

## Мактаб ўқувчилари учун ТИҚХММИда очиқ эшиклар куни

Институт ҳақида ёшлар ўртасида маълумотни оммавийлаштириш мақсадида абитуриент ёшларга ва битирувчи синф ўқувчилари учун институтда яратилган шароитлар ва имкониятлар билан таништириш мақсадида очиқ эшиклар куни ташкил этилмоқда. Шундай учрашувлардан яна бири Тошкент шаҳар Яккасарой тумани 26-мактабнинг 11-синф ўқувчилари учун ташкил этилди.



Мактаб ўқувчиларига “ТЖИЧАБ” кафедраси ассистенти Озодов Э.О. томонидан институтда яратилган шароитлар, талабалар учун мавжуд бўлган имкониятлар ва таълим жараёни ҳақида маълумот берилди. Ўқувчилар институтимиз пилот кафедраси “А&Б энгинееринг” илмий лабораторияси ва Фесто ўқув лабораториялари билан яқиндан танишдилар. Бундан ташқари қисқача давра суҳбатида ОТМ ҳужжат топшириш, кириш имтихонлари ва талабаликнинг нега олтин давр эканлиги ҳақида дўстона суҳбат олиб борилди.

**ТИҚХММИ матбуот хизмати**